



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 24 сентябрь куни Навоий ва Бухоро вилоятларига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятга сафари давомида мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Каримов қарорларига мувофиқ «Навоийазот» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди. Жумладан, поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуанинг қурилиш жараёнини кўздан кечирди. Ушбу саноат объекти ишга туширилган, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида 100 минг тонна ПВХ ва 295 минг тонна метанол ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, каустик сода ишлаб чиқариш ҳажми 71,8 минг тоннага кўпаяди.

Шавкат Мирзиёев аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган қуvvатларни барпо этишга қаратилган йирик инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиши билан ҳам танишди. Бу ерда яратилаётган қуvvатлар йилга 660 минг тонна аммиак ва 577,5 минг тонна карбамид ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи яна бир муҳим лойиҳа — замонавий энергия тежовчи технологиялар билан жиҳозланган, йилга 500 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектга ташриф буюрди. Янги корхона ишга туширилган, бу ердаги 50 йил аввал ўрнатилган эски қуvvатлар олиб ташланади.

Ўзбекистон кимё саноати ва бутун иқтисодиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу лойиҳалар Япония, Швейцария, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий технологиялар ва ускуналар асосида амалга оширилмоқда.

Янги корхоналарда бир минг уч юздан ортиқ иш ўрни яратилади. Мамлакатимиз олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларида янги технологиялар ва ускуналарни бошқарадиган ёш мутахассислар тайёрланмоқда. Улар хориждаги корхоналарда малака ошириб, ишлаб чиқаришни ишга туширишда иштирок этиши ва шу корхоналарда меҳнат қилиши кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳрида олиб борилаётган ободонлаштириш ва қўламли яратилиш ишлари билан ҳам танишди. Навоий шаҳри бош режасининг амалга оширилиши муҳокама этилиб, кам таъминланган оилалар учун уй-жой қуриш, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Вилоят бўйлаб сафари чоғида Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалик ишларининг бориши билан ҳам танишди, пахта далавларини кўздан кечирди. Кармана тумани фермерлари билан суҳбатлашди.

Навоий вилояти фаоллари билан учрашувда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги галла экишни самарали ташкил этиш, ижтимоий соҳа объеклари ва уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини амлаш, коммунал хизматлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу кунги Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятида қурилаётган Қандим газни қайта ишлаш заводида ташриф буюрди.

Қиймати 2,6 миллиард долларга тенг бўлган ушбу йирик инвестицион лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан қабул қилинган 2015-2019 йилларда таркибий ўзгаришларни, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури ижроси доирасида Россиянинг «Лукойл» компанияси билан ҳамкорликда ҳамда Жанубий Кореянинг «Хундай Инжиниринг» ва Сингапурнинг «Энтер Инжиниринг» компаниялари иштирокида амалга оширилмоқда.

Хусусан, лойиҳанинг амалга оширилиши янги юқори технологик қуvvатлар ва замонавий инфратузилмани ишга тушириш ҳисобидан йилга 8,1 миллиард куб метр табиий газ қазиб олиш ва қайта ишлаш, шу асосда хариддоригр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Беш ой аввал — жорий йилнинг 18 апрель кунги Қандим заводи қурилиши бошланишига бағишланган расмий маросим бўлиб ўтган эди. Ўтган давр мобайнида салмоқли тайёргарлик ва қурилиш ишлари амалга оширилди, жумладан, объектларнинг вертикал лойиҳалаштирилиши, ташки инфратузилмани тайёрлаш ва барпо этиш яқунланди, навбатдаги қурилиш ва монтаж ишлари бажарилмоқда, ишлаб чиқариш муддати узоқ бўлган барча ускуналарга буюртмалар берилди.

Заводнинг биринчи навбатини 2018 йилда фойдаланишга топшириш, сўнг қисқа муддатларда тўлиқ қувватда ишга тушириш режалаштирилган.

Шу ёрнинг ўзига Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Лукойл» нефть компанияси президенти Вагит Алекперов билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев «Лукойл»нинг Ўзбекистон нефть-газ тармоғида қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирокини қайд этиб, замонавий технологиялар жалб қилинган ҳолда Қандим газни қайта ишлаш заводи қурилишида олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолади.

Ўз навбатида Вагит Алекперов «Лукойл» компанияси Ўзбекистон нефть-газ тармоғида ҳаётга татбиқ этилаётган инвестицион лойиҳалар доирасидаги барча мажбуриятларини ўз вақтида бажаришини қайд этди.

Бугунги кунда «Лукойл» Қандим гуруҳи ва Ҳавзак, Шоди, Қўнғирот истиқболли газ конларини ўзлаштириш, Жануби-Гарби Ҳисор ва Устурт ҳудудидаги нефть-газ участкаларига ишлов бериш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Биргаликдаги геология-қидирув ишлари доирасида Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмида истиқболли углеводород конлари очилди. Компаниянинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳаларга киритаётган инвестициялари ҳажми 5,5 миллиард доллардан ошди.

Учрашув чоғида «Лукойл» компанияси билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

ЎЗА

■ ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРПА БИЗНИКИ!

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида XV «Таълим ва мутахассислик» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур кўргазма «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

ЎҚИМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ!

Кўргазма унда иштирок этган талаба-ёшлар учун ҳақиқий имкониятлар майдони бўлиб хизмат қилди. Қатнашчилар мамлакатимиздаги ҳамда хориждаги олий таълим муассасалари ҳақида батафсил маълумот олишди.

— Келажакда шифокор бўлмоқчиман. Кўргазмага тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари ҳақида маълумот олиш учун келдим, — дейди **Тошкент темир йўллари академик лицейи ўқувчиси Нусрат Валиев**. — Бу ерга келишдан аввал хорижда ўқишга қизиқардим. Лекин юртимиз ва хорижий олий

таълим муассасалари ҳақида етарли маълумот олганимдан сўнг ўзимиздаги ўқитиш тизими хориждагидан мутлақо қолишмаслигига амин бўлдим.

Шунингдек, тадбирда ота-оналар ва ўқитувчилар касбга йўналтириш ва бандликка қўмаклашувчи марказлар фаолияти, малака ошириш институтлари, ўқув марказлари, масофавий таълим ҳақида ҳам маълумот олишди.

— Коллеж-лицей ёшидаги жуда кўп ўқувчиларга институтимиз ҳақида барча маълумотларни бердик, — дейди **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**

ўқитувчиси Илҳом Масалимов. — Ўз навбатида улар ҳам саволларга жавоб олишди.

Тадбирда Буюк Британия, Латвия, Польша, Малайзия, Япония сингари давлатлардан иштирок этган мутахассислар ўзбекистонлик ёшларнинг ўқишга, илм олишга бўлган интилишини ижобий баҳолашди.

— Ҳозир университетимизда 20 нафар ўзбек талабаси таълим олмоқда, — дейди **Малайзиянинг Vision college университети вакили Ли Ви Лонг**. — Кўргазмада тиббиёт, туризм, бизнес, маркетинг каби йўналишлар бўйича

ёшларга керакли маълумотларни бердик. Юртингиздан борган талабалар билан бирга ишлаганман, улар доимо етакчи бўлишга ҳаракат қилади. Кўргазма яқунланган, Самарқанд, Бухоро сингари тарихий шаҳарларни кўрмоқчиман.

Тадбирда касб-хунар коллежлари битирувчиларига Тошкент шаҳридаги бандликка қўмаклашувчи марказлар ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларининг мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Шаҳбоз САИДОВ

■ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: САВОЛ ВА ЖАВОБ

Сайловчи учун барча шароит яратиб берилади

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари қизғин олиб борилаётган шу кунларда фуқаролардан таҳририятимизга сайлов қонунчилигига оид турли саволлар келиши давом этмоқда.

Саволларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари жавоб беради.

2

■ 4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг журналистлар учун брифинги бўлиб ўтди. Унда округ сайлов комиссияси раиси Ф. Тошев сайловга тайёргарлик жараёни хусусида ахборот берди.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН БРИФИНГ

Маълумки, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 15 сентябрдаги қарори билан Самарқанд вилояти чегараси доирасида 7-Самарқанд сайлов округи тузилди ва округ сайлов комиссияси Самарқанд шаҳар, Рудакий кўчаси, 237-уй (Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси)да жойлаштириш белгиланди.

23 сентябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди ва бу ҳақдаги қарор матбуотда эълон қилинди. 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ҳамда 8 нафар аъзодан иборат таркибда тасдиқланди.

Комиссиянинг биринчи йиғилишида унинг иш режаси, комиссия аъзолари зиммасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон ҳукуматлараро комиссиясининг ўн иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, саноат, нефть-газ, энергетика, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фан-техника, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, маданият каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирли, комиссия ҳамраиси Элёр Ганиев икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг доимий мулоқотлари натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий

асоси яратилган. Бу савдо, иқтисодиёт, ёқилғи-энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, сайёҳлик каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорлик ривожига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистондан Туркменистонга транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр ва механика ускуналари ҳамда турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинмоқда. Туркменистондан мамлакатимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари ва бошқа қимёвий товарлар келтириляётир.

2015 йил якунларига кўра ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 320 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг январь-август ойларида 177 миллион долларни ташкил этди.

Йиғилишда ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз,

жаҳон бозорларида конъюнктуранинг беқарорлиги ташқи савдога таъсир ўтказётгани, томонлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро савдо ҳажмини ошириш орқали алоқалардаги ижобий тенденцияларни ривожлантираётгани қайд этилди.

Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йўллари яхши интеграциялашган. Бу ўзаро товар айирбошлашга қулайлик яратиб билан бирга учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ҳам ўтамоқда. Ушбу соҳада қўшимча имтиёзлар берилиши, транзит нархлари камайтирилиши экспорт ҳажмининг ошишига хизмат қилиши таъкидланди.

— Туркменистон ҳам Ўзбекистон каби халқ манфаатларини таъминлаш, фаровонлигини оширишни асосий мақсад қилган, — деди Туркменистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирли, комиссия ҳамраиси Довран Оразмурадов. — Бунинг учун мамлакатларимизда улкан салоҳият мавжуд. Бир-биримизга тақдир қиладиган товар ва хизматлар талайгина. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб, Ўзбекистон билан

иқтисодиёт, саноат, ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш ниятидамыз.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги товар айирбошлашнинг ўсувчан динамикасини сақлаб қолган ҳолда унинг ҳажмини янада кўпайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Биргаликдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорлар ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси якуни бўйича қўшма протокол имзоланди.

Туркменистон делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

А.САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: САВОЛ ВА ЖАВОБ

■ Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади.

САЙЛОВЧИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИЛАДИ

Сайлов халқ иродасига суянган кучли фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Бу тарихий сиёсий воқеа фуқаролар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки эл-юрт манфаатига дахлдор масала юзасидан ҳолис ва тўғри қарор қабул қилиш, мамлакат раҳбарлигига муносиб номзодга овоз бериш, аввало, сайловчининг сиёсий-ҳуқуқий билимига, сайлов ҳақида, унинг қонуний асослари тўғрисида етарли тушунчага эга бўлишига боғлиқ.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари қизгин олиб борилаётган шу кунларда фуқаролардан таҳририятимизга сайлов қонунчилигига оид турли саволлар келиши давом этмоқда.

Саволларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари жавоб беради.

Барно Мусахўжаева,
уй бекаси, Тошкент шаҳри:
— Яқинда бир танишим сайловни янада яхшироқ тушуниш, Президентликка номзодларнинг дастурлари билан танишиб чиқиш учун ҳудудимиздаги сайлов участкасига боришим кераклигини айтиб қолди. Менга сайлов участкалари ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз...



Дилмурод Саъдуллаев,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 10 ҳамда 11-моддаларида айнан сизни қизиқтирган масала баён этилган. Унга кўра, сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги сайлов округларига кирилади. Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис

ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар-жойларида, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига кирилади. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини сайлов округига бириктириш масаласи Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Сайлов участкалари сайловга камидан олтимиш кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камидан беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камидан 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади. Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратлади.

Округ айллов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

Зайнабхон Мамажоновна,
Бухоро давлат университети талабаси:
— Мен сайловда биринчи марта иштирок этман. Эшитишимча, сайлов ўтказилишидан олдин фуқаролар сайловчилар рўйхатига киришлари экан. Бу қонунчиликда қандай белгиланган?



Аваз Ўринбоев,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Унга мувофиқ, сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудидида доимий ёки вақтинча истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига кириштилади. Сайловчи бошқа сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига кириштилиши мумкин эмас.

Сайловчилар рўйхатини ҳар бир сайлов участкасига участка сайлов комиссияси тузади ҳамда унинг раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини рўйхат тузиш ишида қатнашишга жалб этиши мумкин.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда яшайдиган сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни беради. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг,

шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар истиқомат жойидаги сайловчиларнинг рўйхатига умумий асосларда кириштилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчилар рўйхатига сайловчиларнинг фамилиялари овоз беришни уюштириш учун қулай тартибда кўрсатилади.

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан ўн беш кун олдин, Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда, қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамма танишиб чиқиш учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабар беради.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Лазиза ШЕРОВА
ёзиб олди.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Қашқадарё вилоят кенгаши Қарши шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Республика акушерлик гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида «Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда аёлнинг ўрни» мавзусида дара суҳбати ўтказди.

Унда вилоят ва Қарши шаҳар партия кенгашлари масъул ходимлари, депутатлар, шифокорлар ва ҳамширалар иштирок этди.

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИГА

барчамиз бирдек
масъулмиз

Тадбирда оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат, бу борадаги имтиёзлар ва имкониятлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш, аниқланган муаммоларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан баргараф этиш чораларини кўриш, ушбу жараёнларда «Фаол аёллар» қаноти аъзоларининг иштирокини кучайтириш масалалари ҳусусида сўз юритилди.

— «Аёллар соғлиги — жамият бойлиги» лойиҳаси доирасида Қарши шаҳар Кенгаши депутатлари иштирокида шаҳардаги 6 оилавий поликлиникада тиббий кўрик ташкил этилди, — дейди Қарши шаҳар партия кенгаши раиси Рашид Муртозоев. — Оилавий поликлиникаларда хотин-қизлар ва болалар саломатлигига қаратилаётган эътибор, ҳомиладор аёлларга ғамхўрлик ва 14 ёшгача бўлган болаларни эмлаш жараёни билан танишдик. Шунинг ҳам айтиш керакики, шаҳримиздаги барча тиббиёт муассасаларида партияимизнинг бошланғич ташкилотлари ташкил этилган. Партияимиз аъзолари сони малакали шифокорлар, тиббиёт ходимлари билан ортиб бормоқда.

Партияимизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури асосида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун доирасида дорихоналар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг аҳоли ўрганилиди. Шаҳардаги 101 та дорихона шаҳар Кенгаши депутатлари иштирокида бевоқифа кўриб чиқилди. Аниқланган камчиликлар бўйича таҳлилий маълумот тайёрланмоқда.

— Қарши шаҳрида 260 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туғиш ёшидаги аёллар 74 минг нафарга яқин, — дейди Республика акушерлик гинекология илмий амалий тиббиёт маркази Қарши филиали бўлим бошлиғи, ЎзХДП аъзоси Элнора Жуманазарова. — Асосий вазифамиз хотин-қизларнинг тиббий маданиятини мунтазам ошириб бориш ва уларни ўз саломатлигига бефарқ бўлмасликка ўргатишдир. Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли Марказий поликлиникада жорий йилнинг 8 ойи давомида 1408 нафар никоҳланувчи тиббий кўрикдан ўтказилди. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда барчамиз бирдек масъулмиз.

Шаҳло ХУДОЙҚУЛОВА,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят
кенгаши сектор мудири.

ЎзХДП: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Бошланғич ташкилот

партияни электорат билан боғлаб турадиган муҳим бўгин ҳисобланади

Ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар фаолияти долзарб аҳамият касб этади. Шу боис жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда, давлат бошқарувидаги иштироки кенгаймоқда.

Алоҳида таъкидлаш кераки, бугунги кунда сиёсий партиялар олдидида бир қатор масъулиятли вазифалар турибди. Уларни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолияти муҳим ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар партия кенгаши бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шаҳар бўйича Юнусобод туман партия кенгаши энг кўп бошланғич ташкилотларга эга. Ҳозир бу ерда 156 бошланғич ташкилот бор. Шунингдек, Миробод туманида 121, Шайхонтоҳур туманида 113 бошланғич ташкилот фаолият олиб борапти.

Аҳамиятли томони, ушбу ҳудудларда бошланғич ташкилотлар партияимиз дастурий мақсадларини амалга ошириш, ғоя ва мафкурасини оммалаштириш, электорат манфаатини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатмоқда.

Юнусобод туман партия

кенгаши сиёсий ўқувларни кўпроқ қўйи бўғинда ташкил этиш ҳамда уларга керакли услубий қўлланмаларни, партия фаолиятидаги янгиликларни ўз вақтида етказиб туришга эътибор қаратапти. Шунингдек, ҳар йили тасдиқланадиган иш режада бошланғич ташкилотларга ҳам аниқ вазифалар белгиланяпти. Шу асосда уларнинг фаолияти таҳлил этиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Юнусобод туманида қўйи бўғинлар фаолиятини кучайтириш бўйича янги усуллар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Энг муҳими, бу партияимизнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, тарафдорлар ва хайрихоҳлар сафини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич ташкилотлар сонини бошқа туманлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак, бугунги кунда Олмазор туманида 98, Учтепа туманида 86, Яшнобод туманида 76 қўйи бўғин иш олиб бормоқда. Бошланғич ташкилотлар етакчилари сиёсий-



Суратда: Қуов-механика заводидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти аъзолари.

ҳуқуқий маданияти юқори, жамоатчилик орасида ўзига хос обрў-эътибор қозongan, ташаббускор кишиларни партияимиз сафига жалб қилишнинг муҳим вазифалардан, деб билади. Бундан ташқари, янги бошланғич партия ташкилотларини тузиш ва туман кенгашлари билан алоқаларини мустақамлаш ишларига катта эътибор қаратмоқда.

Иш тўғрисида тизимли ташкил этилган жойда самара бўлади, албатта. Сафимиз тобора кенгайиб бораётгани бу фикрни исботлайди. Масалан, Шайхонтоҳур

туманида 2015 йил 1 январь ҳолатида аъзолар 3030 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ҳудди шу пайтида 3184 нафарга етди.

Бошланғич ташкилот ўз зиммасидаги вазифани қандай бажариши етакчи ишчи давр талабини чуқур англаган ҳолда ташкил этишга боғлиқ. Партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш, етакчиликка қобилияти ва иштиёқи бор ёшларни партияга кенг жалб қилиш янги натижа беради, деб ўйлайман. Қувонарлиси, бошланғич ташкилотлари-

мишда йил сайин ёшлар кўпайиб борапти. Масалан, Учтепа туманида 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар сони 1558 нафар, Сергели туманида 1179 нафарга етди. Партияимиз фаоллари уларда иштирокидаги сиёсий ўқувлар сифатини ошириши, ҳусусан, долзарб ҳаётини ва партиявий мавзулар муҳома қилинишига эътибор қаратиш талаб этилади.

Ушбу замон талабларига мувофиқ тарзда олиб бораётган бошланғич ташкилотлар ҳақида гап кетганда, Қуов-механика заводи қошидаги бошланғич партия ташкилоти энг намунали қўйи бўғинлардан бири ҳисобланади. Бу ерда партияимизнинг 50 нафарга яқин аъзоси бор. Улар ЎзХДП ғояларини тарғиб қилиш, Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирларини изчил равишда ўтказиб келмоқда.

Фикримча, электорат орасида олиб бораётган тарғибот ишларимизни янги сифат босқичга кўтаришимиз керак. Дастурий мақсадларимизни нафақат кенг тушунириш, балки бу ишларга партия аъзолари, фаолларини кенг жалб этиш талаб этилмоқда. Айниқса, бошланғич ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш керак. Чунки қўйи бўғин фаолияти қонқарли бўлма-са, партия ўз электоратидан узилиб қолади. Етакчиларнинг ташаббускорлик, ташкилотчилик кўникмасини шакллантириб борсак, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва энг муҳими, бартараф этиш бўйича аниқ натижаларга эришамиз, деб ўйлайман.

Ҳакимбек РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент
шаҳар кенгаши
Бошланғич партия
ташкилотлари билан
ишлаш сектори мудири.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

■ 301 болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 146 таси бутунлай янги қурилиб, 155 таси капитал реконструкция қилинди.



ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН САЛОМАТЛИК РЕЙТИНГИДА муносиб ўрин эгаллади

Ўзбекистон тиббиёт, ҳаёт ва соғлиқ билан боғлиқ барқарор ривожланиш индикаторлари бўйича дунё мамлакатлари рейтингига 55-ўринни эгаллади. Индекс The Lancet тиббиёт журнали томонидан тузиб чиқилди. Бу ҳақда uz24.uz сайтида хабар берилган.

Рейтингга асос сифатида 33 кўрсаткич олинди, уларнинг ҳар бири 100 балл орасида баҳоланди. Бу ортқича вазн, алкоголь ва тамаки истеъмоли даражаси, болалар ва чақалоқлар ўлими, йўл транспорт ҳодисаси туфайли содир бўлган ўлимлар, одам иммунитетни танқислиги вируси (ВИЧ) тарқалганлик даражаси, сил ва гепатит В юктириш кўрсаткичлари, ўз жони-га қасд қилиш миқдори каби таъсирлардир.

Бундан ташқари, экспертлар ўзравонлик ва уруш ҳаётлари оқибатидаги ўлимлар даражасини ҳам баҳоладди. Мазкур таъсир мамлакатларда 1990-2015 йилларда ҳукм сурган вазият бўйича кўриб чиқилди.

Унга кўра, биринчи ўринни Исландия эгаллади. Кучли бешликка, Сингапур, Швеция, Андорра ва Буюк Британия кирди.

Охириги учта ўринга Жанубий Судан, Сомали ва Марказий Африка Республикаси қўйилди.

Ўзбекистон мазкур рейтингда 188 мамлакат орасида 55-ўринни эгаллади. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичдир. Шу ўринда Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари эгаллаган ўринларни келтирсак: Туркменистон 60-ўрин, Қозғоғистон 85-ўрин, Тожикистон 99-ўрин, Қирғизистон 113-ўрин.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» «Белавиа» билан келишув имзолади

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Беларусининг «Белавиа» авиаташувчиси билан ҳаво йўллари биргаликда фойдаланиш (код-шеринг) тўғрисида шартнома имзолади. Бу ҳақда миллий авиакомпания матбуот хизматига асосланиб, «Газета.ру» хабар бермоқда.

Эндликда иккала авиакомпания йўловчилари қўлай нархлар бўйича саёҳат қилиш, шунингдек, Минск орқали транзит билан Европа ва МДХдаги пунктлар, Тошкент орқали Марказий ва Шарқий Осиё аэропортларига учганда, қўлай туташ йўллардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Айни пайтда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Белавиа» ўртасида интерлайн-келишув амал қилади. У электрон чипталарни ўзаро тан олиш ва бошқа қўлайликларни яратди.

Мусиқа ва санъат мактаблари

фарзандларимиз таълим-тарбиясида
муҳим ўрин тутди

Мусиқа ва санъат билан ошно тутинган болаларда ўзига хос дид, одоб ва маданият шакллана бошлайди. Маънавийатли инсондан ёмонлик чиқмаслиги эса ҳаёт ҳақиқатидир.

Тарихдан маълумки, халқимиз бола тарбиясида мусиканинг тутган ўрнига катта аҳамият бериб келган. Бу борада биргина алланинг таъсир кучи, унинг асрлардан асрларга, аждодлардан авлодларга бекаму кўст ўтиб келадигани хусусида узок фикр юритса бўлади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш, ёш истеъодларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу ўринда қуйидаги рақамларга, яъни болалар мусиқа ва санъат мактабларига ўқувчилари қамраб олиш мақсадидаги юксалишларга эътибор қаратайлик. Агар 2008 йилда бундай муассасаларга 38 минг нафар бола қатнаган бўлса, ўтган даврда уларнинг сони 34 минг нафарга ортиб, 72 минг нафардан кўпроқни ташкил этаётти.

Бу эса «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури»нинг ҳаётини самарасидир. Зеро, унинг амалга оширилиши туфайли минтақаларда замонавий мусиқа асбоблари билан жиҳозланган қўллаб болалар мусиқа ва санъат мактаблари ишга туширилди. Натижада 2008 йилга нисбатан болалар мусиқа ва санъат мактабларининг қуввати 1,2 баробарга, ўқувчилар таркиби 1,3 баробарга ошди. Республиканинг ёш истеъодли мусиқачилари томонидан нуфузли халқаро танловларда 441 совринли ўринлар қўлга киритилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунгача 301 болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 146 таси бутунлай янги қурилиб, 155 таси капитал реконструкция қилинди. Улар ҳар томонлама қўлай ва сифатли, замонавий мебель ва ускуналар билан жиҳозланиб, турли чолғу асбоблари билан таъминланди.

Яратилган шароитлар натижада фарзандларимизнинг жаҳон сахналарида

эришадиган муваффақиятлари кундан-кунга кўпайиб бораётти. Масалан, 1991 йилда атиги 3 нафар ўқувчи халқаро танловларда қатнашган бўлса, 2015 йилнинг ўзида истеъодли ёшларимиздан 137 нафари хорижий давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича бошланган ишларни мантиқий давом эттириш, болаларнинг иходи салохиятини янада кенг очиш, уларда мусиқа ва санъатнинг бошқа турларига меҳр-муҳаббат уйғотиш, мусиқа ва тасавий санъат соҳаларида жаҳон меросини ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» тасдиқланди.

Мазкур Дастур доирасида 2016-2020 йилларда 98 (40 янги қурилиш, 58 капитал реконструкция) болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш кўзда тутилган. Шундан жорий йилда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган 18 (8 таси янги қурилиш) болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ҳудудлар бўйича манзилли дастури ишлаб чиқилди.

— Мамлакатимизнинг Биринчи Президентининг юқорида таъкидланган қарорига кўра, 2016-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида болалар мусиқа ва санъат мактабларини янгидан қуриш, мукамал реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлашнинг асосий параметрлари, шунингдек, мазкур муассасалар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича беш йилга мўлжалланган чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди, — дейди **Халқ таълими вазирлиги Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бошлиғи Қосимжон Атамирзаев**. — Қарорда Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ҳам аниқ белгиланган. Хусусан,



Фотурх АЛИЕВ оlingан сурат.

болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янги мазмун билан бойитиш, уларни умумий ўрта таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия тизимининг ажралмас таркибий қисми сифатида шакллантириш асосий йўналишлардан биридир. Айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваторияси, Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамда минтақалардаги мусиқа ва санъат касб-хунар коллежлари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари, концертмейстерлари ва соловчиларини тайёрлаш, малакасини узуксиз ошириш тизимини такомиллаштириш устида қизгин иш олиб борилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, мукамал реконструкция қилиш, жиҳозлашни молиялаштиришнинг асосий манбалари эканлигини айтиб ўтиш керак.

Қарорда болалар мусиқа ва санъат мактабларини янгидан қуриш учун шаҳарлар ва туманларда ер участкаларини оқилона танлаш, хусусан, умумтаълим мактаблари яқин бўлган, аҳоли зич яшайдиган

1991 йилда атиги 3 нафар ўқувчи халқаро танловларда қатнашган бўлса, 2015 йилнинг ўзида истеъодли ёшларимиздан 137 нафари хорижий давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

ҳудудларда барпо этиш назарда тутилгани ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Яна бир жиҳати, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» доирасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун олиб келинадиган мусиқа асбоблари ва маҳсул ускуналар 2021 йилнинг 1 январига бажонга тўловларидан (божжона расмийлаштируви йўғимларидан ташқари) озод этилди.

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун тўланадиган бадал миқдори сезиларли равишда қайтаририлгани ҳам фикримиз

далилидир. Эндликда мусиқа йўналиши бўйича ўқиш учун Тошкент шаҳрида энг кам иш ҳақининг 75 фоизи, вилоятлар марказларида 50 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган аҳоли пунктларида 30 фоизи миқдорда бадал тўланадиган бўлди. Санъат йўналишида эса мос равишда пойтахтда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи, вилоятлар марказларида 30 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган аҳоли пунктларида 20 фоизи миқдорда бадал олинади. Агар бир оиланинг 2 ва ундан ортқ фарзанди болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиса, улардан ҳар бирининг ўқиши учун белгиланган тўловнинг 70 фоизи миқдорда тўлов амалга оширилади.

Мусиқа ва санъат соҳасида болаларнинг таълим олиши учун қўлай шароит яратиш мақсадида бир календарь йил мобайнида мусиқа ва санъат йўналишлари бўйича халқаро (1 ва 3-ўринлар) ва республика (1-ўрин) танловларида ғолиб бўлган болалар ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларини (умумий контингентнинг 25 фоиздан ошмайдиган қисми) ўқитиш Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Бу чора-тадбирлардан қўзланган асосий мақсад — юксак маънавийатли, маданиятли авлоднинг тарбиялаш эканлини ҳисобга олсак, мусиқа ва санъатнинг сеҳрли кучи, қудратини янада чуқурроқ англаймиз.

Озод РАЖАБОВ



МАРСДА ҳаёт мавжудлиги исботланди



Шотландиялик олимлар Марсдаги кичик зилзилалар пайтида водород, газ аэралиб чиқишини таъкидлашмоқда. Ушбу газ эса бошланғич ҳаёт шакллари учун энергия манбаи ҳисобланади. Бу ҳақда Astrobiology илмий журналида чоп этилган мақолада маълум қилинди.

Тадқиқотчилар Ташқи Гебрид оролларидаги тоғ ёриқлари — Шотландия қирғоқларидаги архипелагини ўрганиб, улар яқинида водород мавжудлигини аниқлашди.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар зилзила туфайли юзага келган ёриқлар атрофида пайдо бўлаётган суюқликларнинг кимёвий таркибини алоҳида таҳлил қилиб чиқилди.

Олимларнинг маълум қилишича, улар томонидан топилган моделлар ҳудди шундай зилзилалар содир бўлувчи Қизил сайёрага ҳам мувофиқ келади. Бироқ, ушбу хулосалар тўғрисидаги Марсда амалда синаб кўриш зарур.

ДЕНГИЗ САТҲИДАГИ энг баланд туннель



Хитойнинг Цинхай провинциясида дунёдаги энг баланд тоғли автомобиль туннели қурилди. Синьхуа ахборот агентлиги хабар беришича, 24 сентябрь куни Голго-Тибет автоном округида жойлашган туннель қурилишининг энг сўнгги ишлари якунланган.

Тоғдаги туннелнинг энг баланд нуктаси денгиз сатҳидан 4,8 километри ташкил қилади. Қуриш ишлари 2013 йилда бошланган. Бу ноёб иншоот 2017 йилда очилиши мўлжалланган.

6,1 МАГНИТУДАЛИ ЗИЛЗИЛА

Руминияда 24 сентябрда 6,1 магнитудали зилзила юз берди. Бу ҳақда Европа-Урта Ер денгизи сейсмология маркази маълум қилди.

Маълумотларга кўра, зилзила маркази мамлакат пойтахти Бухарестдан шимолга томон 145 километр узоқликда, ўчоғи 100 километр чуқурликда бўлган.

Руминиянинг Ер физикаси институти маълумотларига кўра, зилзила маркази мамлакатнинг энг сейсмик ҳавфли ҳудуди, яъни Карпат тоғларидаги Вранча уездига жойлашган. Бу ерда ҳар йили 3-4 магнитудали ўнлаб зилзилалар қайд этилади. 1977 йилда рўй берган 7,2 магнитудали зилзила оқибатида 1,5 минг киши ҳалок бўлган.

Зилзиланинг таъсир кучи қўшни мамлакатларда ҳам сезилган.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Адлия вазирлигида «Ўзбекистонда суд криминалистик экспертизасининг ривожланиш истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда оммавий ахборот воситалари вакилларида Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолияти йўналишлари, янги лойиҳалари хусусида маълумотлар тақдим этилди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан, миллий ҳамда хорижий илғор тажрибалардан фойдаланиш одил судлов жараёнининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу факторларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишида долзарб аҳамият касб этади.

Республика суд экспертизаси маркази узок йиллардан бери ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фуқаролик, ҳўжалик, маъмурий ва жиноий ишларни юритишда замонавий илм-фан имкониятларидан фойдаланган ҳолда назарий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ушбу даргоҳда экспертлик тадқиқотларининг жаҳон андозларида мос келадиган замонавий илмий даражада ўтказилиши учун қўлай шароит яратилган. Бу борадаги қонунийлик асослари ҳам такомиллаштириш бўйича беш йилга мўлжалланган чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди, — дейди **Халқ таълими вазирлиги Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бошлиғи Қосимжон Атамирзаев**. — Қарорда Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ҳам аниқ белгиланган. Хусусан,

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун тўланадиган бадал миқдори сезиларли равишда қайтаририлгани ҳам фикримиз

такомиллаштириш тўғрисидаги Қарори шулар жумласидандир.

Матбуот анжуманида кейинги йилларда амалга оширилган лойиҳалар, йўлга қўйилган экспертиза йўналишлари бўйича ҳам маълумот берилди. Хусусан, рақамли технологиялар, электроакустик монтаж белгилари асосида аудио ва видео манбаларни комплекс тадқиқ қилиш, ер участкаларига бўлган эгалик ҳуқуқлари қиймати баҳолаш, ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси, суд-экологик, суд-сиёсатшунослик-лингвистик, суд-филологик каби экспертизалар амалиётга жорий этилди.

Марказ лабораториясида ўзбек, рус, зарур ҳолларда эса бошқа тиллардаги фонограмма ва видеоёзувлар ҳам тадқиқ қилиниши йўлга қўйилган. Ушбу услуб асосида бугунгача 150 дан ортқ экспертиза ўтказилган.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизани ўтказиш услуби ишлаб чиқилиб, амалиётга

таътиқ этилди. Мазкур йўналишда асосан терроризм, экстремизм ва диний адоватни қўзғатиш, мамлакатимизнинг конституциявий тузумига таҳовуз қилиш, жамоат хавфсизлигига таҳдид солишга қаратилган материалларни тарқатиш бўйича фактлар ўрганилади ва хулосалар берилади.

Бундан янада кенг қўзғалтаётганлиги тергов органларига жиноятларни очиш, далиллар тўплаш ва уларни илмий асосда мустаҳкамлаш, судлар фаолиятида эса одил судловни амалга ошириш, адолатли қарор ва ҳукмлар чиқаришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, анжуманда марказ мутахассислари журналистларга суд экспертизаси бўйича эришилган ютуқлар, яратилган имкониятлар ва келгуси ривожланиш истиқболлари ҳақида атрофлича маълумот беришди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РИО — 2016

■ Спортда ҳеч бир ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бунга мустаҳкам пойдевор, машаққатли меҳнат орқали эришилади.

РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ АКМАЛ НУРНИНГ

расмлар каталоги
тақдироти
ўтказилди

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий Академияси раиси Акмал Нурнинг расмлар каталоги тақдироти ўтказилди. Унда рассомлар, санъатшунослар, Камолитдин Бехзод номидаги рассомлик ва дизайн институти талаба ва ўқувчилари ҳамда кутубхона фойдаланувчилари қатнашди.

Тадбирда Акмал Нур Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўзининг Туркия ва Италия давлатларида чоп этилган расмлар альманахини совға қилди, дейилди Ўзбекистон Миллий кутубхонаси матбуот хизмати тарқатган хабарда.

ICTWEEK 2016 АКТ ҲАФТАЛИГИ- НИНГ

тантанали ёпилиш
маросими бўлиб
ўтди

Lotte City Tashkent Palace меҳмонхонасида ICTWeek — 2016 ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди, деб ёзади «Infocom.uz».

Маросим доирасида «Жойлардаги давлат ҳокимияти органларида очиқ давлат маълумотлари» йўналиши бўйича ғолиблар ва совриндорлар тақдирланди. Улар орасида биринчи ўринни Тошкент вилояти ҳокимлиги эгаллади, Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлиги эса тегишли равишда иккинчи ва учинчи ўринларни банд этди.

Шунингдек, «Интерактив давлат хизматлари», «Ўз фаолиятида АКТни самарали тарзда жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича олий рейтинг» каби йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Бундан ташқари, ICTExpo — 2016 ахборот-коммуникация технологиялари кўргазмасининг турли йўналишлари бўйича ғолибларга ва тадбир ҳомийларига эсдалик совғалари топширилди.



У.А. Бурати.

СИЗ ЮКСАК МУКОФОТЛАРГА ЛОЙИҚСИЗ

■ Одамларни ҳайрон қолдириш қийин. Бутун дунёни лол қолдириш ундада оғир. Ўзбекистонлик паралимпиячилар бунинг удасидан чиқибди. Уларнинг матонати, жасорати, сабр-бардоши қаршисида барчамиз таъзим қиламиз. Улар бунга лойиқ. Ватан, халқ олдидаги хизматлари, меҳнатлари учун уларга тасанно айтаемиз.

«Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ҳам мана шу эътироф ва эъзозларнинг, эътибор ва эътиромларнинг яна бир ёрқин намунаси.

Даврон ФАЙЗИЕВ,
спорт шарҳловчиси:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда олимпия ва паралимпия ҳаракати юксак даражага кўтарилди. Бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган олимпия ва паралимпия ўйинларида ўзбек спортчи қанчалик ривожланиётганини бутун дунё кўрди. Юртимиз ёшларининг нимадирга қодир эканлигини ҳамма билди.

Ўзбекистон Паралимпия Ассоциациясига 2007 йилда асос солинганди. Пекинда ўтказилган XIII ёзги Паралимпия ўйинларида бор-йўғи 1 нафар спортчи Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган. Лондонда ўтказилган XIV Паралимпия ўйинларида эса юртимиз спортчилари битта кумуш медални қўлга киритганди. Энди савол туғилади: Ўзбекистонда Паралимпия ҳаракатининг бунчалик тез ривожланишига нима сабаб бўлди?

Спортда ҳеч бир ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Бунга мустаҳкам пойдевор, машаққатли меҳнат орқали эришилади. Қилинган меҳнатлар самараси 2014 йилдан кўрина бошлади. Шу йили Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида

бўлиб ўтган Параолимпия ўйинларида спортчиларимиз 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза, жами 31 медални қўлга киритиб, Осиёнинг 44 давлати орасида бешинчи ўринни эгаллади. Энг фахрланарли жиҳати шундаки, Осиё Паралимпия Кўмитасининг 2014 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Бош Ассамблеясида Осиё давлатлари ичидан Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси «Йилнинг энг яхши спорт ташкилоти» деб тан олинди.

Хукуматимиз томонидан республикада спортни янада ривожлантириш мақсадида жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва барча қўлайликларга эга бўлган «Олимпия ва Паралимпия спортчиларини тайёрлаш маркази» қурилди ва Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциациясига топширилди. Хар қандай одамнинг ҳавасини келтирадиган, замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган очик ва ёпиқ спорт майдончаларида спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш имконияти пайдо бўлди. Айнан шу ерда тобланган спортчилар бугун Рио Паралимпия ўйинларининг қаҳрамони бўлди.

Мен паралимпиячиларимизни тақдирлаш маросими-

да иштирок этдим. Улар ҳақли равишда мамлакатимизнинг нуфузли мукофотларига лойиқ кўрилди. Ишонаманки, бу эътироф спортчиларимизни янада кучли бўлишга, янги марраларни забт этишга ундайди.

Ўткиржон НИҒМАТОВ,
XV Паралимпия ўйинлари чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби:

— Спортчи ғолиблик шохсупасида турганида ўзини энг бахтли инсон деб билади. Ватанига қайтиб келганида эса бахтиёрлиги икки ҳисса ошади. Мен ҳам Тошкент аэропортидан чиқиб келар эканман, ўша пайтдаги ҳиссиётларимни таърифлаб беролмайман. Карнай-сурнай навалари, ота-оналар, ҳукумат аъзолари ва юзлаб ишчи-болалар кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Чарқоқлар бирпасда унутилди.

Олимпия шон-шухрати мусулман бизга пул мукофоти ва автомобиль топширилди. Эртаси кун бизга Ватанимизнинг юксак унвонлари берилди. Мен «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирландим. Бу унвон ҳар бир спортчининг, ҳар бир ўзбек спортчиларининг ордаси десам хато қилмаган бўларман.

Инсон доимо умид билан яшайди. Мен 2018 йилда Параолимпия ўйинлари, 2020 йилда бўладиган Паралимпия ўйинларида янада кучлироқ тайёрларлик кўришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ғолиблик ёқимли бўларкан. Одам яна ва яна ўша ҳиссиётни бошдан кечиргиси келаркан. Яна бир бор ғолиб бўлиш учун бор кучимни ишга соламан.

Баҳриддин ЗАЙНИДДИНОВ,
Тошкент солиқ коллежи директори:

— Паралимпиячиларимиз юртимиз шаънини нуфузли мусобақада муносиб ҳимоя қилиш орқали бугунги куннинг том маънодаги қаҳрамонларига айланганди.

Ўзбекистонлик спортчиларнинг кўрсатган жасорати ҳар биримиз учун ибрат намунаси бўлди. Риога борган спортчиларнинг ҳаммаси муносиб мукофотланди. Ҳатто медал ололмаган спортчиларга ҳам «Malibu» машинаси берилди. Бу эса юртимизда инсон қадрини ҳимоя қилиш эканлигининг ёрқин намунаси.

Дастлаб спортчиларга пул мукофоти топширилди. 22 сентябрь кун қабул қилинган фармонга кўра паралимпиячиларимиз юртимизнинг нуфузли давлат мукофотларига муносиб кўрилди. Бундан ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Улар мукофотга лойиқ ишларни амалга оширдилар, ҳақиқий ирода ва жасорат намунасини кўрсатдилар.

Биз ўқувчилар билан суҳбатларда Ўзбекистон паралимпиячиларини мисол қилиб кўрсатяпмиз. Уларга ўхшаб юртимиз шаънини ҳимоя қиладиган, халқимиз гуруҳини кўтарадиган инсон бўлиб етишинлар, деб таъкидлаяпмиз.

Коллежимиз жамоаси билан бир қатор режалар ишлаб чиқдик. Унга кўра, яқин кунларда Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этилмоқчимиз. Ишонамизки, бундай мулоқотлар ўқувчиларга ижобий таъсир қилади. Юрагидида ватанпар-

варлик ҳисларини янада кучайтиради.

Шоира МУСАБЕКОВА,
Паралимпия ўйинлари чемпиони Фирдавсбек Мусабековнинг онаси:

— Ўғлимнинг муваффақиятларидан фахрланаман. Фирдавсбек Паралимпия ўйинларига кетиш олдида Бразилиядан чемпион бўлиб қайтаман, деб ваъда берганди. Фарзандим сўзининг устидан чиқди. Унинг ҳам, бизнинг ҳам юзими эруф бўлди. Биринчи Президентимизнинг спортга берган эътибори, ёш спортчиларга кўрсатган ғам-хўрлиги ва шахсан у кишининг ташаббуси билан қурилган спорт иншоотлари бугунги кунда бизга асос бўлди.

Турли мусобақаларда ғолиб бўлиб келган спортчиларни қаҳрамонлардек кутиб олиш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бизда давлат даражасида амалга оширилади. Мен илгари спортчиларни кутиб олиш маросимларини телевизор орқали кўриб, менинг ўғлим ҳам шуларга ўхшасайди, деб орзу қилардим. Шукр, ниятларим ушолди. Ўғлимга пул мукофоти ва «Malibu» автомобили топширилганидан хурсанд бўлиб ўтирганимизда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилгани тўғрисидаги хушxabарни эшитдик.

Мен бахтли онаман. Яратганга шукр, фарзандимнинг камолини кўряпман. Ишонаманки, у бундан кейин ҳам юксак натижалар кўрсатади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АЪЗАМ ёзиб олди.

ЭКОЛОГИЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда қўмита масъул ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотариат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди. Семинарда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасида атроф-муҳитни муҳофазалаш билан боғлиқ долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам базаси, ташкилий асослари яратилгани жамиятимизнинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Бу борада қабул қилинган қатор қонунлар ва меъри-хуқуқий ҳужжатлар соҳадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Айни пайтда ушбу масалаларни ҳал этишда давлат органлари билан бирга фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалла фаоллари аҳоли орасида кенг тушултириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқда. Бу борадаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Мазкур қонунда атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида мутлақо янги йўналиш — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотариат ташкилотлари ҳузурида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари институтини жорий этиш белгиланган. Ушбу соҳада фаолият юритувчи мутахассислар экологик ҳолат ва атроф-муҳитнинг жамоатчилик

инспекцияси тизимини шакллантиришга қўмаклашиши, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга доир тақлифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиши кўзда тутилган.

Мазкур ўқув-семинардан кўзланган мақсад тингловчиларга экологик назоратнинг жамоатчи инспектори вазифалари, мажбуриятлари, жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг усул ва йўллари, унинг натижаларини расмийлаштириш, давлат органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари ҳақида батафсил маълумот беришдан иборат.

Семинарда табиати муҳофазаси қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш борасидаги долзарб масалаларга ечим топиш кўп жиҳатдан аҳолининг экологик билим даражаси ва табиатдан фойдаланиш маданиятига боғлиқ эканлигига эътибор қаратилди. Бу борада зарур билимларни ўрганиш, уларга қатъий амал қилиш ва салбий ўзгаришларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида экологик маданиятни

янада ривожлантиришда жамоатчи инспекторларнинг ўрни катта эканлиги қайд этилди.

Семинарда «Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва унинг асослари», «Жамоатчилик экологик назоратининг назарий ва амалий жиҳатлари», «Ер ресурсларини муҳофазаси қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида жамоатчилик экологик назорати», «Чикиндилар бошқаруви соҳасида жамоатчилик экологик назорати» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўқув-семинар давомида амалий машғулотлар олиб борилиб, тингловчиларга атмосфера ҳавосини, сув, ер ресурсларини муҳофазаси қилиш соҳаларидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш каби қатор экологик муаммолар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Г.САТТОРОВА,
Ў.А. мухбири.

ОҒОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ички Ишлар Вазирлиги Транспортдаги ички ишлар бошқармаси ҳамда Транспорт прокуратураси ходимлари томонидан Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежида «Гиеҳвандлик — аср вабоси» мавзисида давра суҳбати ўтказилди. Унда ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар томонидан гиеҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар, қонунчилигимизда белгиланган жавобгарлик масалалари тўғрисида ўқувчиларга атрофлича тушунча берилди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

— Гиеҳвандлик бутун дунёни ташвишга солаётган жиддий муаммодир, — дейди Тошкент темир йўл каттадаги тармоқ ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, майор Фаррух Амриев. — Бугунги тадбирни ёшлар ўртасида ўтказиётганимиз бежиз эмас, чунки балоғат ёшидаги ўспиринларни гиеҳвандликка етакловчилар бор. Шунинг учун ёшларни бу муҳим иллатдан асраш чораларини кўришимиз керак. Бунда уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, соғлом турмуш тарзи тарғиботида қаратилган тадбирлар катта аҳамиятга эга. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туришимиз зарур. Шундангина уларни ёвузлик чангалига тушиб қолишдан асраган бўлаемиз. Ҳаётимизга, келажагимизга раҳна солувчи дахшатли офатга қарши курашиш барчамизнинг бурчимиздир.

Давра суҳбатида коллеж ўқувчиларига гиеҳвандликнинг аянчилик оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

БУГУН	Об-хаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+27/+15	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+33/+20	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+33/+18	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+35/+21	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+32/+18	
Тошкент шаҳри	+33/+18	

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatda bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
8786
naxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:45
Topshirilgan vaqti — 22:45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Abdusolim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5 6